

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ  
Қўллаб-қувватлаш учун  
АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР  
БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент - 2024

**Касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун  
ажратиладиган субсидиялар бўйича услугий қўлланма.**  
Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги,  
«Адолат» миллий ҳукуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. –  
18 б.

Тузувчилар: А. Ёдгаров  
Р. Расулбекова

Ушбу услугий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда  
кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб,  
қўлланмада касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш  
учун ажратиладиган субсидиялар ва белгиланган  
имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён  
этилган.

Мазкур услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>4</b>
<b>КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАРНИ ТАРТИБА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ .....</b>	<b>5</b>
<b>КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБА СОЛИНАДИ? .....</b>	<b>6</b>
<b>КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУРЛАРИ .....</b>	<b>7</b>
<b>КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИДА «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»НИНГ КОЛЛЕГИАЛ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯ ВА ССУДАЛАР .....</b>	<b>8</b>
<b>МАҲАЛЛАЛАРДА КАСАНАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ .....</b>	<b>9</b>
<b>КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН АЖРАТИЛГАН СУБСИДИЯЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ҚАЙТАРИВ ОЛИШ ТАРТИБИ .....</b>	<b>11</b>
<b>ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА КАСАНАЧИЛИККА ЎҚИТИШ .....</b>	<b>12</b>

## КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инвестициялар жалб қилиш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳаллаларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда жамиятда маҳаллаларнинг ролини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Хусусан, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг такомиллашуви аҳолининг бандлигини таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантиришга шароит яратмоқда.

Тадбиркорлик қиласман деган фуқаро олдида ечиши лозим бўлган энг зарур масалалардан бири – бу бизнесни бошлаш учун манзил ва бино топишdir. Ер сотиб олиш ва янги бино қуришга бошловчи тадбиркорнинг қурби етмаслиги, тажрибали тадбиркор эса маҳсулот тан нархи ошиб кетишини ўйлаб “risk” қилишдан тийилиши мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда давлат томонидан маҳаллалар ҳудудида касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратишнинг самарали механизmlари ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланмада маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш тартиби содда тилда очиб берилган.

## **Касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидияларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари**



**Ўзбекистон  
Республикаси  
Меҳнат  
кодекси**



**Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2023 йил 23  
февралдаги ПҚ-  
70-сон қарори**



**Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
21.12.2023  
йилдаги  
ПФ-209-сон  
Фармони**





**Вазирлар  
Маҳкамасининг  
2006 йил 11 январдаги  
4-сон қарори билан  
тасдиқланган  
Касаначилик  
тўғрисида НИЗОМ**

**Вазирлар  
Маҳкамасининг  
2023 йил  
22 июльдаги  
307-сон қарори**

## Касаначилик фаолияти қандай тартибга солинади?

**Касаначилик** – меҳнат шартномаси билан бир қаторда ишларни бажариш, товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, шу жумладан пудрат шартномаси асосида жисмоний шахс (касаначи) томонидан ўз яшаш жойи бўйича ёки касаначига ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бўлган ёки касаначи томонидан ижарага олинган бошқа хоналарда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш борасида амалга ошириладиган ишdir.



**ХУҚУҚИЙ АСОС:** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 21.04.2022 ЙИЛДАГИ ПҚ-214-СОН ҚАРОРИ

## Касаначилик фаолиятининг турлари



Касаначилар ишининг **аниқ турлари** уларнинг касб малакаси, саломатлиги ҳисобга олинган ҳолда **иш берувчи** томонидан белгиланади (иш хусусияти, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, хомашё, материалларнинг хоссалари, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан **ТИЕК** (Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси) тавсиялари эътиборга олинади).



**Касаначининг қуидагиларни талаб қиласидиган ишларни (хизматларни) бажаришига йўл қўйилмайди:**

қонунчиликда белгиланган фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия (руҳсатнома) олишни

уйда куч сарфлаб ишлатиладиган, кўп энергия сарфланадиган ва техник жиҳатдан мураккаб асбоб-ускуналардан, шунингдек хавфли кимёвий компонентлардан фойдаланиши

уй шароитларида назорат қилиб бўлмайдиган маҳсус техника хавфсизлигига риоя этиши

## **Касаначилик фаолиятида «Маҳалла еттилиги»нинг коллегиал қарорлари асосида ажратиладиган субсидия ва ссудалар**



Касаначилик фаолиятини ташкил этган талаборга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир марталик субсидия ажратиш

**Бир ойлик ўртача даромади миқдорида**



Тадбиркорлик субъектлариға касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

**БҲМнинг 30 бараваригача**




Тадбиркорлик субъектлариға касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

**БҲМнинг 40 бараваригача**



Тадбиркорлик субъектлариға касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

**Ҳар бир касаначи учун ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваригача**



Тадбиркорлик субъектлариға айланма маблағларини тўлдириш учун жалб қилинган ҳар бир касаначи учун фоизсиз ссуда ажратиш

**1 миллион сўмгача, бироқ 2 йилгача муддатга жами  
150 миллион сўмгача**



**ХУҚУҚИЙ АСОС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 21.12.2023  
ЙИЛДАГИ ПФ-209-СОН ФАРМОНИ**

# Маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби



## МУРОЖААТДА НИМАЛАР КЎРСАТИЛАДИ?



Касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми  
субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобвараги  
(реквизитлари) ва манзили;

Касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки  
ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш,  
хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий  
тусдаги шартнома ёхуд пурдат шартномаси;



Касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади  
миқдори тўғрисидаги маълумотнома (ёки  
касаначининг дастлабки уч ой давомидаги фаолияти  
учун тўловлар банк орқали тўланганлигини  
тасдиқловчи маълумотнома).

## СУБСИДИЯ БЕРИШ УЧУН АСОС

Талабгор ва касаначи билан тузилган **мөхнат шартномаси** ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги **фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома** ёки **пудрат шартномаси Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида** (кейинги ўринларда — Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда расмийлаштирилганлигига **камида 3 ой ўтганлиги**.



**Эслатма:** Маҳаллий мөхнат органи томонидан касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдорининг ҳаққонийлиги туман (шаҳар) Солиқ инспекциясидан маълумот олиш йўли билан ёки «Ягона миллий мөхнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали текширилади.

### Субсидия ажратиш қўйидагиларга қўра РАД ЭТИЛАДИ:




- хужжатлар талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;
- касаначи билан тузилган мөхнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда;
- касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори тўғрисидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

# Касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган субсидияларни мониторинг қилиш ва қайтариб олиш тартиби



## **Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначиликка ўқитиши**

**Касаначилик фаолияти билан шуғулланишини  
билдирган ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизлар  
ва ёшлар қуидаги ҳолларда касбга ўқитилади:**



**Касаначилар қуидаги жойларда ўқитилади:**



**“Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиши марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиши масканларида**



**вазирлик ва идоралар тизимидағи профессионал таълим ташкилотларида  
ташкил этилган қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиши курсларида**



**нодавлат касб-ҳунарга ўқитиши ташкилотларида**

**Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари  
ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик  
субъектларига субсидия ажратиш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъекти (талабгор)	Маҳаллаларда касаначиликни ташкил этганини учун субсидия олиш мақсадида туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимигазарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равища мурожаат қиласди.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	1. Талабгор мурожаатини илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ўрганиб чиқади. 2. Талабгорга субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. 3. Ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини юборади.	3 иш куни ичida  1 кун муддатда
3-босқич	туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	Субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг талабгорга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратади.	Қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш куни ичida

**Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари  
ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз  
ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтари», «Аёллар дафтари», «Ёшлар  
дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-  
ускуналар ва хом ашё харид қилиш учун субсидия ажратиш**

**СХЕМАСИ**

Босқичла р	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Тадбиркорлик субъекти (талабгор)	Касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш учун субсидия олиш мақсадида туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қиласди.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	1. Талабгор томонидан субсидия олишини сўраб тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади.  2. Маҳаллий меҳнат органива талабгор ўртасида ижтимоий контракт тузилади.	3 иш куни ичida

		<p>3. Талабгорга субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш түғрисида қарор қабул қиласы.</p> <p>4. Ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш түғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини юборади.</p>	1 кун муддатда
3-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қис қартириш ва бандлика кўмаклашиш бўлими	Талабгорга ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида субсидия ажратади.	Қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш куни ичида
4-босқич	Субсидия ажратилган талабгор	Субсидия ажратилгандан сўнг талабгор ҳар бир касаначи учун асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилинганилиги ва касаначиларга бепул берилганилигини ҳамда асбоб-ускуналар ва хом ашёнинг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддатини кўрсатган ҳолда ижтимоий контракт тузилган маҳаллий меҳнат органини ёзма равишда хабардор қиласы.	10 кун ичида
5-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қис қартириш ва бандлика кўмаклашиш бўлими	Ажратилган субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуналар ва хом ашё асосида ишлаётган касаначининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб боради. Камчиликлар аниқланса, тадбиркорлик субъектига уларни бартараф этиш бўйича хабарнома юборади.	Ҳар ой бир маротаба
6-босқич	Субсидия ажратилган талабгор	Хабарнома олинган кундан эътиборан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.	Бир ой ичида
7-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қис қартириш ва бандлика кўмаклашиш бўлими	<p>1. Хабарнома тушган кундан эътиборан субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуналар ва хом ашё билан фаолият юритаётган касаначининг фаолияти самарадорлигини қайта мониторинг қиласы.</p> <p>2. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қиласы, ижтимоий контракт бир томонлама бекор қиласы ва талабгорга хабарнома юборади</p>	3 иш куни ичида  (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг)
8-босқич	Субсидия ажратилган талабгор	Хабарнома тушган кундан эътиборан ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига тўлиқ миқдорда қайтаради.	5 иш куни ичида

**Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари  
ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки хунармандчилик асосида  
уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини  
мослаштириш ҳамда ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи харажатларини қоплаш  
учун субсидия ажратиш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Тадбиркорлик субъекти (талабгор)	<p>Касаначилик ёки хунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштиргандан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда мурожаат қиласди.</p>	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	<ol style="list-style-type: none"> <li>Талабгор томонидан субсидия олишни сўраб тақдим этилган хужожатларни ўрганиб чиқади.</li> <li>Талабгорга субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.</li> <li>Ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини юборади.</li> </ol>	3 иш куни ичida  1 кун муддатда
3-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	Талабгорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш харажатларини қоплаш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисблаш микдорининг 40 бараваригача микдорда субсидия ажратади.	Қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш куни ичida
4-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	Ажратилган субсидия ҳисобидан касаначилик ёки хунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб боради. Камчиликлар аниқланса, талабгорга уларни бартараф этиш бўйича хабарнома юборади.	6 ой давомида  ҳар ойда бир маротаба
5-босқич	Субсидия ажратилган талабгор	Хабарнома олинган кундан эътиборан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.	Бир ой ичida

6-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	<p>1. Хабарнома тушган кундан эътиборан субсидия хисобидан касаначилик ёки хунармандчилик асосида уй шароитида ишләётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда унинг фаолияти самарадорлигини қайта мониторинг қиласи.</p> <p>2. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қиласи ва талабгорга хабарнома юборади.</p>	3 иш куни ичida (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг)
7-босқич	Субсидия ажратилган талабгор	Хабарнома тушган кундан эътиборан ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига тўлиқ миқдорда қайтаради.	5 иш куни ичida

### **Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан касаначиларни касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш**

#### **СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Тадбиркорлик субъекти (талабгор)	Касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларни касб-хунарга ўқитиш учун субсидия олиш мақсадида туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимiga зарур ҳужжатларни илова қиласи ҳолда мурожаат қиласи.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	<p>1. Талабгор томонидан субсидия олишни сўраб тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади.</p> <p>2. Маҳаллий меҳнат органи ва талабгор ўртасида шартнома тузилади.</p> <p>3. Талабгорга субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қиласи.</p> <p>4. Ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини юборади.</p>	3 иш куни ичida  1 кун муддатда
3-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	Талабгорга ҳар бир касаначини касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда субсидия ажратади.	Ўқиш бошланган ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасида
4-босқич	Субсидия ажратилган талабгор	Касаначиларни касб-хунарга ўқитиш бошлаганлиги тўғрисида маҳаллий меҳнат органига ёзма равища хабардор қиласи.	Ўқиш бошланган кундан 10 кун ичida

5-босқич	Субсидия ажратилған талабгор	Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака оширган касаначининг ўқишини якунлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини маҳаллий меҳнат органига тақдим этади	Ўқиш якунлангандан сўнг беш кун ичida
6-босқич	Маҳаллий меҳнат органи, ҳоким ёрдачиси	Касаначиларни касб-хунарга ўрганиш жараёнларини мониторинг қилиб боради. Камчиликлар аниқланса, талабгорга уларни бартараф этиш бўйича хабарнома юборади.	Ҳар ой бир маротаба
7-босқич	Субсидия ажратилған талабгор	Хабарнома олинган кундан эътиборан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.	Ўн беш кун ичida
8-босқич	Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	<p>1. Хабарнома тушган кундан эътиборан субсидия хисобидан касб-хунар эгаллаётган касаначилар фаолияти самарадорлигини қайта мониторинг қиласди.</p> <p>2. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, ажратилган субсидияларни қайтариш бўйича бўйруқ қабул қиласди, шартномани бир томонлама бекор қиласди ва талабгорга хабарнома юборади.</p>	3 иш куни ичida (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг)
9-босқич	Субсидия ажратилған талабгор	Хабарнома тушган кундан эътиборан ажратилған субсидияларни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига тўлиқ миқдорда қайтаради.	5 иш куни ичida